



Tadjqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 IYUL
№30**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
30-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
30-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 30-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 21 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Б.И.Исмаилов, М.А.Абдуғаниев ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИ ЮРИТИШДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ТАҚИҚ ВА ЧЕКЛОВЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	7
2. Muhammadbobur Abdullaev OVERVIEW OF CONTROL OF CORRUPTION’S SUBCOMPONENTS USED FOR EVALUATING UZBEKISTAN’S CORRUPTION PERCEPTION LEVEL.....	12
3. Roziqova Yulduzxon Mominovna AYOLLAR HUQUQLARI VA JAMIYATDA GENDER TENGLIK TUSHUNCHASI	16
4. Одилжонова Мохинур, Хамидова Нигора Уриновна КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	18
5. Fayzullayev Behruz Zafar o’g’li “KORRUPSIYA – KELAJAK KUSHANDASI VA RIVOJLANISHGA QARSHI TO'SIQ”	19



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИ ЮРИТИШДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ТАҚИҚ ВА ЧЕКЛОВЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Б.И.Исмаилов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
академиясининг Коррупцияга қарши курашиш
илмий-маърифий маркази раҳбари,
юридик фанлари доктори, проф.
(90-277-77-55)

М.А.Абдуғаниев

Бош прокуратура академияси тингловчиси.
(97-405-70-70)
(abdubannobabduganiyev@gmail.com)

Аннотация: мазкур мақолада давлат хизматчиларининг фаолиятида жорий қилиниши зарур бўлган тақиқлар ва чекловлар ҳақида фикр юритилади. Ушбу мақоладан кўзланган асосий мақсад – давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар фаолиятини тартибга солидиган чет эл тажрибасини ўрганиш, коррупцион ҳолатларни олдини олиш ҳақида малумотлар йиғиш ҳамда ушбу изланиш орқали эришилган натижалардан миллий қонунчиликни ривожлантириш учун фойдалаланиш.

Аннотация: в данной статье рассматриваются запреты и ограничения, которые необходимо ввести в деятельность государственных служащих. Основная цель статьи - изучить зарубежный опыт регулирования деятельности государственных служащих и должностных лиц, собрать данные о предупреждении коррупции и использовать результаты исследования для разработки национального законодательства.

Annotation: this article discusses the prohibitions and restrictions that need to be introduced in the activities of civil servants. The main purpose of the article is to study the foreign experience of working with civil servants and officials, to collect data on the implementation of cases of corruption and use the results obtained for their development to develop national legislation.

Калит сўзлар.

Давлат хизмати – давлат хизматчиларининг давлат ҳокимиятининг вазифалари ва функцияларини амалга оширишга қаратилган расмий ваколатларини бажариш бўйича фаолияти;

служба - деятельность государственных служащих по исполнению служебных полномочий, направленная на выполнение задач и функций государственной власти;

Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки махсус ваколатли орган томонидан ҳокимият вакили функцияларини бажарадиган ёки давлат органларида ташкилий-маъмурий ёки маъмурий-иқтисодий функцияларни бажарадиган шахс;

Должностное лицо – это лицо, которое является постоянно действующим, временным или специально уполномоченным органом, действующим в качестве представителя власти или в государственных органах. лицо, выполняющее организационно-распорядительные или административно-хозяйственные функции;

An official is a person who is a permanent, temporary or specially authorized body, acting as a representative of government or in state bodies. a person performing organizational and administrative or administrative functions;

Давлат хизматчиси – давлат ҳокимиятининг вазифалари ва функцияларини бажариш учун расмий ваколат берилган шахс. **Государственный служащий** – это лицо, официально уполномоченное выполнять обязанности и функции государственной власти.

A civil servant is a person who is officially authorized to carry out the duties and functions of



state power.

Тақиқлар – мансабдор шахс ёки давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида бево-сита ёки билвосита амалга ошириши мумкин бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар.

Запреты – это действия или бездействие, которые должностное лицо или государствен-ный служащий не может выполнять прямо или косвенно в ходе своей работы.

Prohibitions are actions or omissions that an official or civil servant cannot perform, directly or indirectly in the course of his work.

Чекловлар – мансабдор шахс ёки давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида амал-га ошириши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг аниқ белгиланган мезонла-ри.

Ограничения - это четко определенные критерии действий или бездействия, которые должностное лицо или государственный служащий может совершить во время своей рабо-ты.

Restrictions are clearly defined criteria for actions or omissions that an official or civil servant can take during his or her employment.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат хизматини ислоҳ қилиш жараёни – ташкилий ўзгаришларга, давлат органлари кадрларини бошқариш масалаларига эътиборнинг кучайиши билан тавсифланади. Мустақиллик йилларида республикада давлат хизмати институти ривожланишининг бир неча босқичларини босиб ўтди. Шу муносабат билан, 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизматлари тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги УП-5843-сонли фармони қабул қилиниши мамлакатимизнинг давлат хизматини такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Бугунги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири – республикада давлат хизмати олдида турган бюрократик, иерархик, самарасиз ташкилий тузилишни ўзгартиришдир. Яъни, давлат хизматларини сифатини яхшилаш, давлат хизматлари имиджини республика ҳудудида ва ундан ташқарида оширишга йўнатирилган самарали, ижобий маданиятга ўтиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда давлат хизматининг принципаал жиҳатдан янги моделини шакллантиришнинг долзарб вазифаси давлат хизматчилари учун тақиқ ва чекловларни норматив тартибга солишдир.

Ушбу соҳадаги асосий йўналиш **2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси бўлиб, унинг 7 моддаси, 4 қисмига кўра ҳар бир иштирокчи давлат ўз ички қонунчилигининг асосий принципларига мувофиқ равишда давлат хизматида шаффофликни таъминлаш, ривожлантириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тизимларни яратиши, сақлаши ва мустаҳкамлашга интилишини белгилаши зарур.**

Бундан ташқари конвенциянинг 8 моддаси биринчи қисмига асосан, **Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, бошқа фазилатлар қатори, ўзининг оммавий мансабдор шахсларининг поклиги, ҳалоллиги ва масъулиятлилигини рағбатлантиради.**

Олтинчи қисмига кўра, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига асосан, мазкур моддага мувофиқ белгиланган кодекс ёки стандартларни бузадиган оммавий мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ёки бошқа чораларни кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

Хорижий амалиётда коррупция жиноятларининг олдини олиш, ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш ва айниқса давлат хизматчилари фаолиятида огоҳлантириш масалалари тўғридан-тўғри ҳаракат қонунларида (коррупцияга қарши курашиш, давлат хизмати тўғрисида, манфаатлар тўқнашуви олдини олиш тўғрисида) ҳамда мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва бошқа жавобгарлик турларини белгиловчи бошқа ҳужжатларда ҳам тартибга солинади.

Жаҳон амалиётига назар ташласак, юқоридаги масалага бир неча ёндашувларни кўришимиз мумкин.

Биринчи ёндашув, асосан Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб бўлган мамлакатларда (Австралия, Буюк Британия, АҚШ, Канада, янги Зеландия) қўлланиладиган давлат хизматини тартибга солувчи қоидалар бўлиб, улар ягона қонун билан тартибга солинмаган, бироқ бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Масалан, Буюк Британияда



расмий давлат маълумотларидан фойдаланиш ва сақлаш масалалари («Давлат сирлари тўғрисида»ги қонун), давлат хизматчиларининг айрим тоифалари ваколатлари (1975 йилдаги «Тоғ вазирлари тўғрисида»ги қонун, 1992 йилдаги «Давлат хизмати тизимида ваколатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонун), давлат хизматининг босқичларини ўтишининг умумий мезонлари (1999 йилдаги «Хизмат муносабатлари тўғрисида»ги қонун), ходимларни молиялаштирилиши асослари (1975 йилдаги «Вазирлик ва бошқа иш ҳақи тўғрисида»ги қонун) келтириб ўтилган. Канадада 1908 йилдаги давлат хизмати тўғрисидаги қонундан ташқари, 1967 йилда қабул қилинган «Давлат хизматида иш билан таъминлаш тўғрисида», «молиявий бошқарув тўғрисида», «давлат хизматидаги меҳнат муносабатлари тўғрисида», «давлат сирлари тўғрисида» ва «пенсия тўғрисида» ги қонунлар ҳам амал қилади.

Иккинчи ёндашув, асосан, қитъа қонун тизими мамлакатларида (масалан, Германия, Италия, Франция) қўлланилади, уларнинг асосий мақсади давлат хизмати тўғрисидаги ягона махсус комплекс қонун яратиш ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда давлат хизматини тартибга солиш асослари Конституциялар ва мураккаб қонунлар нормаларига (масалан, 13.07.1983 йилдаги «Расмийларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида»ги Франция Қонуни, 01.07.1957 йилдаги «Амалдорларнинг ҳуқуқи тўғрисида»ги Германиянинг асосий Қонуни, 27.02.1985 йилдаги янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат хизмати тўғрисида»ги Италиянинг асосий Қонуни ва бошқалар) асосланади.

Муаммони ҳал қилишнинг ушбу турининг афзаллиги-давлат хизмати тўғрисидаги қонунчиликнинг тузилиши, тизимлилиги, шаффофлиги, шунингдек, давлат хизматини тартибга солиш тамойиллари билан яқин алоқада бўлишдир. Бироқ, бу қонунчиликнинг этарли даражада мослашувчанлигига, унинг ўзгарувчан шароитларга нисбатан ҳаракатсиз муносабати ва бошқаларга олиб келади.

Ушбу ёндашувларнинг ҳар бирининг камчиликларини англаган ҳолда, ушбу мамлакатлар ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб давлат хизматини ислоҳ қилиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Иккала ҳуқуқий тизим вакиллари ҳам бир хил йўналишларда ислоҳотларни амалга оширмоқдалар: давлат хизматининг турли моделларининг тизимлараро тажрибасини алмашиш; давлат хизмати тизимини соддалаштириш; давлат хизмати тўғрисида ягона тизим яратувчи қонунларни ишлаб чиқиш; бундай қонунларни миллий қонунчиликнинг умумий тизимига киритиш.

Натижада, шу кунгача ислоҳот ўтказётган аксарият давлатлар, шу жумладан МДХ давлатлари ва Шарқий Европа томонидан амал қилинадиган давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш моделининг учинчи ёндашуви анча аниқ бўлди².

Бозор иқтисодиёти барқарор бўлган давлатларда давлат хизматчиларига совға тақдим қилишни назорат қилиш тизими узок вақтдан бери ривожланиб келмоқда ҳамда бу борада мансабдор шахслар учун аниқ қоидалар ўрнатилган, қоидалар бўйича тақдим этилаётган совғалар қиймати маълум микдордан ошмайди. Шунингдек, барча нарсалар декларацияланган.

Америка Қўшма Штатларида 1958 йилда «Давлат хизматчисининг ахлоқ кодекси» қабул қилинди, унга мувофиқ ҳар бир давлат хизматида бўлган шахс бошқа қоидалар билан бир қаторда:

АҚШ конституцияси ва қонунлари, ҳукумат қоидаларига риоя қилиш ва уларни бажаришдан қочганларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламаслик;

АҚШ конституцияси ва қонунлари, ҳукумат қоидаларига риоя қилиш ва уларни бажаришдан қочганларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламаслик;

ҳеч қачон камситишларга йўл қўймаслик, бировга иш ҳақи учун ёки бошқа ҳолатларда ҳам алоҳида имтиёзлар ёки имтиёзлар тақдим этмаслиги, ўзи ва оила аъзолари учун расмий вазифаларни бажаришга таъсир қилиши мумкин деб тушунилиши мумкин бўлган имтиёзлар ва совғаларни олмаслиги шарт.

1965 йилда Президент Л. Жонсоннинг буйруғига биноан мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор стандартлари ва ахлоқий меъёрлари ўрнатилди. 1978 йилда ушбу қоидалар «Давлат амалдорларининг ахлоқ қоидалари тўғрисида» ги қонун шаклида қабул қилинди³.

АҚШ Конгресси 1989 йилда «Ахлоқ тўғрисидаги қонунни ислоҳ қилиш тўғрисида» ги қонунни қабул қилди, у мансабдор шахсларнинг ахлоқ қоидаларини тартибга солувчи қоидаларга жиддий ўзгартиришлар киритди ва уларни федерал ҳукуматнинг барча тармоқларига - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судга тарқатди.

Ушбу қонун АҚШ Президентининг 1990 октябрь ойидаги 12731-сонли «Давлат



аппаратининг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг ахлоқий тамойиллари»нинг ижро этувчи буйруғи билан қўллаб-қувватланди. Ушбу тамойиллар нафақат юқори лавозимли амалдорларга ва оддий давлат хизматчиларига тарқатилди.

Буйруққа биноан давлат хизматчилари, бошқа нарсалар қаторида:

Давлат хизматчиси ёки мансабдор шахс бирон бир расмий ҳаракатни амалга оширишни истаган, улар билан ҳар қандай умумий бизнесга эга бўлган ёки улар ишлаётган орган томонидан тартибга солинадиган фаолиятни амалга оширишни истаган бирон бир шахс ёки шахслар гуруҳдан бирон бир тарзда рағбат олиши ёки совғалар қабул қилиши мумкин эмас;

ушбу хизматчиларнинг ўз вазифаларини бажариши ёки бажармаслигига боғлиқ бўлган, будан манфаат кўриши мумкин бўлган шахслардан совғалар олиши тақиқланади.

Ушбу меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш ҳар қандай давлат маъмурияти ёки идорасида, комиссияларида махсус тайинланган шахслар ёки шахслар гуруҳлари томонидан амалга оширилади, агар керак бўлса, қўшимча маълумот сўраши мумкин, мансабдор шахсларнинг ўзларини суҳбатга чақиришлари ва расмий тергов ўтказишлари мумкин.

Федерал амалдорлар ва президент чет эл совғаларини, агар уларнинг қиймати 305 доллардан ошса, декларация қилишлари ва давлат архивларига топширишлари шарт. Сенаторларга эълон қилинмаган совғалар нархи 75 доллардан, конгрессменларга 100 доллардан ошмаслиги керак, давлат хизматчиси эса ўзига ёқадиган совғани сотиб олиш имкониятига эга. Тўғри, бундай совғаларнинг умумий йиллик нархида сезиларли чекловлар мавжуд. Ва амалдорга қиймати 50 доллардан ошадиган ҳар қандай «махаллий» совға одатда пора деб ҳисобланади.

АҚШ қонунчилигига кўра, мансабдор шахснинг вазифаларига кирадиган хизматлар учун ҳақ тўлаш ва олиш учун жазо белгиланган. Америка қонунларига кўра, мансабдор шахс рағбатлантиришни фақат расмий равишда - ҳукуматдан олиши мумкин. Ушбу меъёрни бузганлик учун жарима ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жазолар қўшиб ҳисобланиши мумкин.

МДХнинг бир қатор давлатлари қонунчилигида, давлат хизматчилари учун чеклов ва тақиқлар ўз аксини топган.

Мисол учун, Беларусия Республикасининг 2015 йил 15 июлдаги «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида» ги қонунининг 17-моддасига асосан, ҳукумат амалдорларига қуйидагилар тақиқланган:

Мулкни (турли кўринишдаги совғани) қабул қилиш, ўзи учун ёки учинчи шахслар учун иш, хизматлар кўринишда бошқа имтиёзларни қабул қилиши мумкин эмас. Расмий (меҳнат) мажбуриятларини бажариши муносабати билан протокол ва бошқа расмий тадбирлар пайтида топширилган эсдалик совғалари бундан мустасно.

Бевосита мансаб ваколатлари, меҳнат фаолияти билан бўғлиқ бўлган ҳолларда жисмоний ёки юридик шахслар ҳисобидан сафарларни амалга ошириш, бундан, хизмат сафарлари, яқин қариндошлари томонидан таклиф қилинган сафарлар мустасно бўлган ҳолда тақиқланади.

Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 23 ноябрда қабул қилинган «Қозоғистон Республикаси давлат хизмати тўғрисида»ги қонунинг 23 моддасида давлат хизматчилари учун аниқ талаблар ва чекловлар келтириб ўтилган.

2015 йил 23 ноябрдаги «Қозоғистон Республикаси давлат хизмати тўғрисида»ги қонун давлат хизматчиларига давлат хизматидан ўтаётганда жавобгарлик чоралари аниқланган махсус талаблар ва чекловларни белгилайди.

Давлат хизматчисининг ўрнатилган тақиқлар ва чеклашларга риоя қилиш талабларини бузиши давлат хизматини обрўсизлантирадиган интизомий жазо сифатида баҳоланади. Бу ҳаракатлар учун ходим қуйидаги шаклда жавобгарликларга тортилиши мумкин: эгаллаб турган лавозимини пасайтириш, расмий хизматга тўлиқ мос келмаслиги ёки ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантириш бериш.

Қуйидаги қонунга хилоф ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик деб топилади:

мансабдор шахсларга ушбу шахсларнинг расмий ваколатларидан фойдаланган ҳолда мулкий имтиёзлар, имтиёзлар ёки афзалликларни олиш учун совғалар бериш ва норасмий хизматларни кўрсатиш;

давлат хизматчилари ўз вазифаларини бажаришида уларга боғлиқ бўлган бошқа шахслардан ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолатлар учун совғалар ёки хизматларни қабул қилиш, давлат хизматида умумий келишиш;

Қонун ноқонуний иш ҳақи олганлиги ва тақдим этганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилайди. Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг 676-моддаси



ва 678-моддаси 1-қисмига биноан, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахсларга ёки уларга тенглаштирилган шахсларга ноқонуний моддий мукофот, совғалар, имтиёзлар ёки хизматлар кўрсатилиши, агар ушбу ҳаракатларда жиноий белгилар бўлмаса жиноий ҳуқуқбузарлик деб топилмайди. (жисмоний шахслар учун жарима - 200 АОҚ, юридик шахслар учун - 750 АИҚ, маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил ичида юридик шахслар томонидан яна содир этилган - 1500 АИҚ).

Давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахс ёки унга тенглаштирилган шахс томонидан шахсан ўзи ёки воситачи орқали ноқонуний моддий иш ҳақи, совғалар, имтиёзлар ёки хизматларни қабул қилиниши ва тақдим этган шахслар фойдасига ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилиши, ушбу ҳаракатларда жиноий ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлмаса, Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг 677-моддасида ҳам назарда тутилган маъмурий жавобгарликка тортилади.

Шундай қилиб, хорижий тажриба давлат хизматчилари фаолиятидаги тақиқ ва чекловларни қонунчилик билан белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда, деб таъкидлаш мумкин. Шу муносабат билан, бизнинг мамлакатимизда ҳам тақиқлар ва чекловларнинг тўлиқ рўйхати норматив жиҳатдан «Давлат хизмати тўғрисида» ги қонунда ҳам, тегишли қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланиши керак. Шунга кўра, давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларга қуйидаги тақиқ ва чекловларни жорий қилиш зарур:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаслик;

учинчи шахсларнинг вакили бўлиш;

чет эл банкларида ҳисоб рақами очиш;

эгаллаб турган мансаб вақлотидан сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, бошқа юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар манфаатлари учун фойдаланиш, агар бу давлат хизматининг манфаатларига зид бўлса;

меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан совғалар қабул қилиш, бошқа расмий тадбирлар пайтида топширилган протокол орқали қабул қилинган эсдалик совғалари бундан мустасно;

ўз хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлган малумотлар, ахборотлардан хизматдан ташқари мақсадларда фойдаланиш;

ўзи ҳамда яқон қариндошларининг мол-мулкани декларациялаш;

ушбу талабларни бузганлик учун, қатъий жавобгарлик масалалари ўрнатилиши керак. Маъмурий жавобгарлик, шунингдек, алоҳида тартибда жиноий жавобгарлик турларини ўрнатиш зарур.

1. Агеев В.Н. Противодействие коррупции на местном уровне: ограничение прав и свобод муниципальных служащих // NB: Проблемы общества и политики.-2013.-2.-С. 243-268.

2. Качушкин С. В. Совершенствование института государственной гражданской службы: проблемы теории и практики // Политика и Общество. – 2011. – № 6. – С. 104-107.

3. Батчаева А. А. К вопросу о понятии региональной антикоррупционной политики // Право и политика. – 2011. – № 4 С.67.

4. Овчинников Н.А. К вопросу о понятии законности как одного из направлений противодействия коррупции в системе Министерства внутренних дел России // NB: Российское полицейское право.-2013.-1.-С. 84-98.

5. Яблонская Л.М. Повышение неподкупности полицейских служащих на основе этико-деонтологического подхода: опыт полиции Канады // Политика и Общество. – 2011. – № 10. – С. 104-107.

6. Ватель А.Ю. Стандарты служебного и этического поведения как метод противодействия коррупции в системе государственной службы // Полицейская деятельность.-2011.-6.-С. 10-14.



OVERVIEW OF CONTROL OF CORRUPTION'S SUBCOMPONENTS USED FOR EVALUATING UZBEKISTAN'S CORRUPTION PERCEPTION LEVEL

Muhammadbobur Abdullaev

Trainee at Academy of General Prosecutor's Office
muhammadbobur12@gmail.com

Annotation. The methodology of the Control of Corruption and its used subcomponents for analysis of the Corruption perception within the Uzbekistan is examined and learnt in this article. The main objectives of this article is to analyze the subcomponents of Control of Corruption in order to find the weak point of Uzbekistan in the Control of Corruption. This allows to improve the position of Uzbekistan in the Control of Corruption, inter alia, in the World Governance Indicators.

Keywords: Control of Corruption; Asian Development Bank conducts Country Performance Assessments; Freedom House; Bertelsmann Transformation Index; Economist Intelligence Unit; IFAD Rural Sector Performance Assessments; Institutional Profiles Database; IHS Markit World Economic Service; Varieties of Democracy Project; World Justice Project Rule of Law Index; World Bank Country Policy and Institutional Assessments

As was mentioned above that Control of Corruption indicator captures perceptions of the extent to which public power is exercised for private gain, including both petty and grand forms of corruption, as well as "capture" of the state by elites and private interests. In this regard, Control of Corruption indicator has been capturing corruption perception in Uzbekistan since 1996.

In the following, we can see the subcomponents of Control of Corruption which are used to analyze Control of Corruption in Uzbekistan. This paragraph will examine each subcomponent individually in order to understand each subcomponent and to analyze in which subcomponent is influencing on the final result of Uzbekistan in Control of Corruption.

1. Asian Development Bank Country Policy and Institutional Assessments

Asian Development Bank conducts Country Performance Assessments (hereinafter CPA) for all developing member countries with access to concessional resources. The assessment of the CPA is focused on the policy and institutional frameworks of a developing countries for reducing poverty, promoting sustainable growth, and using concessional assistance effectively. The followings are the basis on assessment of each countries' performance: *quality of its macroeconomic management; coherence of its structural policies; degree to which its policies and institutions promote equity and inclusion; quality of its governance and public sector management; performance of its concessional assistance project portfolio.*¹

2. Bertelsmann Transformation Index

The *Bertelsmann Transformation Index* (hereinafter BTI) analyzes and evaluates whether and how developing countries and countries in transition are steering social change toward democracy and a market economy.² For analysis and evaluation of assessment, the BTI bases on the 17 criteria. Country experts assess level of fulfillment of these 17 criteria for each country by the guidance of the standardized codebook. These criteria's can be seen in the Table 1.

Table 1

Political transformation 5 Criteria	Economic transformation 7 Criteria	Governance 5 criteria
Stateness	Level of socioeconomic development	Level of difficulty
Political participation	Organization of the market and competition	Steering capability
Rule of law	Monetary and fiscal stability	Resource efficiency
Stability of democratic institutions	Private property	Consensus-building
Political and social integration	Welfare regime	International cooperation
	Economic performance	
	Sustainability	

In 2020 publication, The BTI experts are asked the following question for assessment.

➤ **"To what extent are public officeholders who abuse their positions prosecuted or pe-**

¹ Asian Development Bank's Policy on the Performance-based Allocation of Asian Development Fund Resources, available at: <https://www.adb.org/sites/default/files/institutional-document/32130/performance-based-allocation.pdf>

² *Id.*, available at: <https://www.bti-project.org/en/methodology.html>



nalized?"

Assessments range from a low of 1 to a high of 10. A low range is recognized where "Officeholders who break the law and engage in corruption can do so without fear of legal consequences or adverse publicity" while high range is recognized where "Officeholders who break the law and engage in corruption are prosecuted rigorously under established laws and always attract adverse publicity."

➤ **"To what extent does the government successfully contain corruption?"**

Assessments range from a low of 1 from a low of 1, where "The government fails to contain corruption, and there are no integrity mechanisms in place," to a high of 10, where "The government is successful in containing corruption, and all integrity mechanisms are in place and effective."

3. Economist Intelligence Unit

The Economist Intelligence Unit (hereinafter EIU) is a part of the EIU which provides wide-ranging risk analysis to help corporate, financial, public-sector and academic institutions confront the risks of investing and operating around the world. Economic and financial risk assessment with coverage of security, the regulatory and tax environments as well as the impact of infrastructural inadequacies on investment and local operations are combined focused on the sixty key markets by the RiskWire.¹ RiskWire covers the following ten key risk areas:

Security	Tax policy
Foreign trade and payments	Legal and regulatory environment
Political stability	Infrastructure
Financial risk	Macroeconomic conditions
Government effectiveness	Labor market

In 2020 publication, the EIU experts are asked the following question for assessing risk evaluations based on qualitative and quantitative indicators.

4. Freedom House

Freedom House is the oldest, non-profit non-governmental organization American organization devoted to the support and defense of democracy, political freedom, and human rights around the world.² Even though this organization is recognized as a non-governmental organization, some critics have stated that Freedom House is biased towards US interests. The reason for this statement is that this organization was 66% funded by grants from the US in 2006.³ Political scientists, journalists and policymakers cite Freedom House's annual Freedom in the World report.⁴

5. IFAD Rural Sector Performance Assessments

